



Russia
Conference 



E- CONFERENCE
SERIES



SCIENTIFIC CONFERENCE

ON

MULTIDISCIPLINARY
STUDIES

SUBMIT NOW



www.econferenceseries.com

11th December, 2022

1. КЛИНИЧЕСКИЙ ОПЫТ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ВЕНТРАЛЬНЫХ ГРЫЖ У БОЛЬНЫХ С ИЗБЫТОЧНОЙ МАССОЙ ТЕЛА И ОЖИРЕНИЕМ

Эргашев У. Ю., Маликов Н. М., Якубов Д. Р.

1-2

2. ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ ПРЕПОДАВАНИЯ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В СИСТЕМЕ ОБЩЕГО СРЕДНЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Альбина Аскарровна Ходжиматова (Фахрутдинова)

3-8

3. INGLIZ TILIDA MODALLIK KATEGORIYASI, ULARNING TURLARI VA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Raximova Ma'mura Baxtiyorovna, Jalolova Shahnoza Muhamedjanovna

9-16

4. THEME: PHYSICAL CULTURE AND SPORTS OF STUDENTS IN THE PROCESS OF PHYSICAL EDUCATION AT TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

Dokuchaev D. P.

17-22

5. ТАРИХНИ ЖОНЛАНТИРГАН СЎЗ

Насиба Бозорова

23-27

6. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ШАКЛЛАНИШНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Турсунов Озодбек Бадалович, Турғунов Зикрулло Хабибуллаевич

28-32

7. ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ

Кулдашева Санобар

33-37

8. YOZISH MAHORATINI O'RGATISHNING SAMARALI USULLARI

Bozorova Oynura Abduxoshim qizi, Qurbonova Nasiba

38-41

9. TA'LIM JARAYONIDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Aminova Sohila Samariddinova Nargiza Husan qizi

42-44

10. INFORMATIKA FANINI O'QITISHDA GOOGLE SINFXONASIDAN FOYDALANISHNING SAMARADORLIGI

Shoira Yuldashova Shuxratovna, Jasur Ergashev Shuxrat o'g'li, Lola Achilova Majitovna
45-52

11. ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ МОНОГОРОДОВ УЗБЕКИСТАНА

Исмаатов Джахонгир Атавуллаевич
53-56

12. JINOYAT-IJROIYA HUQUQI TARIXI — JINOYAT-IJROIYA ISQTIBOLINING POYDEVORI

Sarvar Saidov Faxriddin o'g'li
57-59

13. VATANIMIZ TARIXINI O'RGANISHDA JALOLIDDIN MANGUBERDI SHAXSINING TUTGAN O'RNI

Nurmuhamedov Murodjon Rahimjonovich
60-65

14. THE IMPORTANCE OF BUKHARA'S "ZANDANICHA" FABRIC

Majidova Mehrinigor Shavkat kizi
66-69

15. ERKIN KURASHCHI QIZLARNI O'QUV-MASHG'ULOT JARAYONLARIDA TEXNIK TAYYORGARLIGI

Usmonova Iroda Zaynudin qizi
70-75

16. YUNON-RIM KURASHCHILARINING TAYYORGARLIK DARAJALARIN AYLANMA USLUB YORDAMIDA OSHIRISH

Abdikulov Jandos Nurjan o'g'li
76-80

17. SPORT KURASH TURI BILAN SHUG'ULLANUVCHILARNING UMUMIY VA MAXSUS TAYYORGARLIK DARAJASI

Melimuratov Azizbek Xolmurod o'g'li
81-86

18. SAMBO SPORT KURASH TURIDA MASHG'ULOTLARINI TASHKIL ETISH SIFAT DARAJASINI OSHIRISH

Bayturayev Erlan Isakovich
87-90

19. SAMBO KURASHCHILARINI O'QUV-MASHG'ULOT JARAYONIDAGI O'RGATISH USHLBLARI

Rajapov Muhammadjon Axmadjonovich
91-95

20. TIBBIYOT TALABALARINING MULOQOT KO'NIKMALARINI MEDIATEXNOLOGIYALAR ASOSIDA SHAKLLANTIRISH VA RIVOJLANTIRISH

Gulfura Tashmetova
96-98

21. ОСОБЕННОСТИ ОБОГАЩЕНИЯ СЛОВАРНОГО ЗАПАСА УЧАЩИХСЯ АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЕВ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА

М. Гаипова
99-108

22. YIELD OF HYBRID CORN SAMPLES

Imomkuziev Otabek
109-110

23. THE RATE AND PROPORTION OF MINERAL FERTILIZERS IN INCREASING THE YIELD OF CORN DIFFERENT SOILS

Imomkuziev Otabekz
111-112

24. O'ZBEK VA INGLIZ XALQ OG'ZAKI IJODI MAQOLLARINING O'ZIGA XOSLIGI

Jasmina Abdujalilova
113-116

25. МАСТЕР ИСТОРИЧЕСКИХ РОМАНОВ

Рахимов Закир Азимович
117-121

26. МАТЕМАТИКА O'QITISH METODIKASINING MAQASADI

Pesova Ag'erke Turdali qizi
122-124

27. INFORMATIKA DARSLARIDA VIRTUAL TA'LIM

Xalikov Akbar Tilovberdiyevich
125-130

28. ГУМАНИТАР СОҶА МАГИСТРАНТЛАРИНИНГ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ БАҶОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Ганиева Гулрух Валижон қизи
131-137

**29. YANGI O'ZBEKISTON INSON-JAMIYAT-DAVLAT KONSEPSIYASINING JAMIYAT
HAYOTIDAGI O'RNI**

Abdurazakova Kamolaxon Yusupovna

138-142

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ

Кулдашева Санобар

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети таянч докторанти

Аннотация

Мақолада она тили дарсларида мультимедиа воситаларидан унумли фойдаланиш, мультимедиа технология ва топшириқларни яратишда кўйиладиган талаблар ва уларнинг жорий этилиши ҳақида фикр юритилади. Олим ва методистларнинг фикрлари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: виртуал олам, киберпедагогика, мультимедиа технология, анимация, видео, фаолиятли ёндашув.

Яқин йиллардан бери нутқий фаолиятда “информацион портлаш”, “виртуал олам” деган тушунчалар пайдо бўлди. Унга киберўқиш, киберхат, киберталаффуз, кибермулоқот тушунчалари ҳам сингиб бормоқда. Ҳатто киберпедагогика деган тушунчалар ҳам фанга кириб келди. Булар биз одатланган кўриш, эшитиш каби жараёнларга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар деб қаралмоғи керак. Бу ерда сўзларни аниқ ва тўғри ўқишдан, чиройли ва хатосиз ёзишдан ташқари уларнинг ранг-баранг шакл ва кўринишларга кира олиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бунда товушлар, сўзлар, сўз бирикмалари ва гапларни ифодали ўқиш воситасида уларнинг маъно қатламларига таъсир кўрсатиш мумкинлиги жуда очиқ тарзда намоён бўлади. Натижада, ўқувчининг тегишли кўникма ва малакалари тезроқ, қулайроқ ҳамда ёқимлироқ тарзда амалга ошади.

А.Гарцов таъкидлаганидек, “ҳар бир педагогик давр ўзига хос технологиялар авлодини туғдиради”[1]. Аста-секин оғзаки назарий таълимнинг ўрнини кўрғазмали таълим эгаллай бошлади. “Кейинчалик, кўрғазмали таълим ҳам мақбул эмаслиги аниқланиб, унинг ўрнига фаолият ёндашувга асосланган таълим кириб келди”[2]. Фаолият ёндашувга асосланган таълимни инсон фаолиятининг сезги, ҳис, диққат, хотира, тасаввур, фикрлаш, нутқ, ақлий ва руҳий жараёнлари билан боғлиқ ҳолда қамраб олиш ахборот асрида тез ривожланиб келаётган мультимедиа воситалари ёрдамида амалга ошириш



самарадорлиги тан олинди. Мультимедиа воситалари билан ишланганда ўқувчи жараёни бевосита ўзи кузатади, уни бошидан кечиради ва ўзи хулоса чиқаради. Анъанавий дарс ва мультимедиа дарслар солиштирилганда кўйидаги афзалликлар кўзга ташланади: анъанавий она тили дарсликлариди мавзуга тегишли материаллар матни ҳамда баъзи ўринларда статик кўринишдаги расм берилади; мультимедиа иштирокидаги дарсларда мавзуга тегишли материал матни, уни шарҳлаб берувчи овоз ёки видео, мавзуга тегишли бир неча расм, диаграмма, жадваллар, анимация, мусиқанинг биргаликда берилиш имконияти мавжуд. “Дарслик билан ишлаш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил ўқиш, қоидаларни ўрганиш ёки қайта эсга тушириш, машқ топшириқлари асосида грамматик ҳодисаларни аниқлаш ва изоҳлаш кўникмалари ривожлантирилса, мультимедиа иловалар билан ишлаш жараёнида ўқувчиларнинг билим олишга бўлган иштиёқи кучаяди, тенгдошлари билан ўзаро муносабати яхшиланади, янги мавзунини мустақил ўзлаштириш ва ўзини баҳолаш имкониятига эга бўлади”[3]. Шу билан бирга мультимедиа воситаларидаги бир неча хиллик ўқувчини қизиқтиради, фикрлашга ундайди, дунёқарашини кенгайтиради, билим, малака ва кўникмани боғлаб боради. Мукамал мультимедиа дарс лойиҳасини яратиш учун олим, фан ўқитувчиси ҳамда компьютер мутахассиси бирлашмоғи даркор. Қолаверса, электрон таълим ресурсларини яратиш учун қўйиладиган мақсад ва талаблар назардан четда қолмаслиги керак. Мультимедиа технологияларини яратиш учун педагогик, психофизиологик ҳамда методик талабларни инобатга олиш зарур. Педагогик талабларга яратиладиган маҳсулотнинг давлат таълим стандартлари, амалдаги ўқув дастурларига мувофиқ келиши; психофизиологик талабларга ўқувчининг ёши, дунёқарашини, қизиқишларини инобатга олган ҳолда, содда, аниқ, тушунарли ва қулай ишлаб чиқилиши; методик талабларга эса ўрганиладиган ўқув материалини мантиқий кетма-кетликда, узвийлик таъминланган ҳолда, ўзлаштирилган билим даражасининг мураккаблигини инобатга олиб турли методлар асосида ишлаб чиқилиши лозим. Бундан ташқари техник, эстетик, дидактик ва бошқа талаблар билан мутаносиблаштирилса, илмий, тушунарли, узлуксизлик ва яхлитлик таъминланган, мавзу тизимли ёритилган, мулоқотнинг интерфаолиги, ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг яхлит бирлиги инобатга олинса, талаб ва ижро уйғунлигида ижобий натижага эришилади.




Она тили дарсларида фойдаланиш учун мультимедиа технологияларини яратишда мультимедиа шартларини эътиборсиз қолдириш ҳам тайёрланган дарсни дидактик нуқтаи назардан муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин. Афсуски, кўпгина ўқитувчилар мультимедиа воситаларидан фойдаланишда кичик деталларга эътибор бермайдилар. Проектордан фойдаланиш учун синф хонасининг деразаларини парда билан тўсмаслик лозим, аксинча, проектор ёки интерфаол доскани чироқ нури тушмайдиган зонада жойлаштириш ва ундаги рангларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим. Синф хонаси мультимедиа дарсларини ўтишга жиҳозланмаган бўлса, мультимедиа дарсларини информатика хоналарида мақсадга мувофиқ.

Мазкур талаблар асосидаги инновацион ёндашув ўқувчиларда янги тажриба орттириш, ижодий ва танқидий фикрлашни англаш, келажакка интилишни ривожлантириш билан бирга мустақил интеллектга эга шахсни тарбиялаш учун самарали омил вазифасини ўтайди. Яна бир имкониятли томони шундаки, мультимедияли ишланмалардан синфдаги дарс машғулотида, иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш машғулотида, паст ўзлаштирувчилар билан ишлаш машғулотида, она тили тўғрақларида, шунингдек уйда мустақил ишлаш учун фойдаланилади. Фақатгина ўқитувчи томонидан ўқув материални ўзлаштиришнинг тезлиги, материал миқдори, қийинчилик даражасини белгилаш ҳамда, энг асосийси, ўқувчида керакли медиа воситаларидан ўринли фойдалана олиш малакаси ва маданиятини шакллантирган бўлиши талаб этилади. Олимлар таълимда мультимедияли технологиялардан фойдаланиш орқали бир қатор ижобий омилларга эришиш мумкинлигини таъкидлайди.

Она тили таълимида мультимедиа воситаларидан фойдаланиш учун амалий воситаларни танлаш, саралаш, дарснинг мақсадидан келиб чиқиб мультимедиа сценарийларини ёзиш бевосита фан ўқитувчиларининг ташаббуси билан амалга оширилади. Ўз ғояларини маҳсулотга айлантиришда дастурловчи мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатилади. Мультимедиа технологиясини яратишдаги технологик жараён қуйидагича амалга оширилади: дастлаб ғоя асосида сценарий ёзилади. Мавзуга доир яқка тартибдаги маълумотлар (тақдимотлар, матн, жадвал, тасвир, схема, диаграмма, аудиоёзувлар) тайёрлаб олинади. Барчаси битта папкада жамланиб технологик ишлов (анимация ҳаракатлари, ранг, овоз) берилади. Мультимедияли ахборот мажмуаси ҳосил қилинади ва сақланади (Қаранг: 1-расм).





1.1.2-расм. Мультимедиа воситаларининг она тили дарсларида жорий қилиниши.

Она тили таълимида ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш масалалари давлат таълим тизимининг устувор вазифаларидан саналади. Аммо она тили ўқитувчиларининг аксарияти компьютер имкониятларидан фойдаланиш деганда, фақатгина матн муҳаррири ва Power Point дастурларидан фойдаланишни тушунишади. Аслида таълим сифатини оширишга хизмат қиладиган бир қанча дастурлар борки, она тили фани ўқитувчилари бундай дастурларнинг афзалликларидан беҳабар[3]. Одатда, фан ўқитувчилари бундай лойиҳаларни компьютер дастурчилари билан амалга оширадilar. Компьютер дастурчилари яратилadиган маҳсулотнинг сифати бўйича етарли билим ва тажрибага эга бўлиши мумкин, аммо методик талабларига тўла-тўқис жавоб беролмайдilar. Шунинг учун замонавий она тили ўқитувчилари нафақат ўз мутахассисликларини, балки дастурий мультимедиа маҳсулотларини ярата олиш малакасини ҳам эгаллашлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гарцов А.Д. Электронная лингводидактика в системе инновационного языкового образования. Дисс. на соискание уч. степени кандидата педагогических наук. Москва – 2009. С.398.
2. Суропов Б. Электрон таълим муҳитида ахборот коммуникация технологиялари фанини ўқитишнинг методик таъминотини такомиллаштириш. Пед.фан.б. фал. док. ... дис. – Тошкент, 2019. – 149б.
3. Машарипова У.А. Инновацион таълим шароитида бошланғич синф ўқувчиларининг нутқ маданиятини шакллантириш методикаси. Пед.фан.б. фал. док. ... дис. – Тошкент, 2018. – 160б.
4. Muhammedova S., Abdullayeva M., Yuldasheva Sh., Eshmatova Y. O‘zbek tili va adabiyoti ta’limida zamonaviy axborot texnologiyalari. – T.: “Excellent Polygraphy”, 2020. – 27-bet.
5. Шлыкова О.В. Культура мультимедиа: Уч. Пособие для студентов / МГУКИ.- Москва, ФАИР-ПРЕСС, 2004. – С.415

